

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ

«ҲАЛОЛ»

ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ

СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

ТАРТИБИ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2025

Маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш тартиби ҳақида бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025 й. – 15 б.

Маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш бўйича услубий қўлланмада маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаш учун мурожаат қилиш, экспертиза ва текширув жараёнларини ўтказиш, «Ҳалол» сертификатини расмийлаштириш, уни бериш ва тегишли реестрни юритиш ҳамда апелляция шикоятларини кўриб чиқиш тартиби содда ва тушунарли тарзда баён этилган.

Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга** эга.

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	
ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ	
УМУМІЙ ҚОИДАЛАР	
МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ	
АРИЗА ВА ИЛОВАЛАР ТЎПЛАМИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ	
ЭКСЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ	
ЖОЙИГА ЧИҚҚАН ҲОЛДА МАҲСУЛОТ ЁКИ ХИЗМАТЛАРНИ БАҲОЛАШ	
МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ, БЕРИШНИ РАД ЭТИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ	
ДАВРИЙ БАҲОЛАШ	
СЕРТИФИКАТНИ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТАСДИҚЛАШ, ТЎХТАТИБ ТУРИШ, ТУГАТИШ	
МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН АСОС БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА САҚЛАШ	
АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ	
АПЕЛЛЯЦИЯЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ	
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш, халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш ва соҳага оид қонунчилик базасини мустаҳкамлаш муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Хусусан, истеъмолчиларнинг ҳалол маҳсулот ва хизматларга бўлган талабини қондириш, бозорда ишончли ва кафолатланган «Ҳалол» белгисига эга маҳсулотларни таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар учун аниқ меъёр ва талабларни белгилаш мақсадида «Ҳалол» сертификатлаштириш тартиб-таомиллари такомиллаштирилди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур низомда «Ҳалол» маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш жараёнлари, талаблар ва масъул ташкилотларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Мазкур масалага оид қонунчилик ҳужжатларини содда, аниқ ва тушунарли тилда баён этиш мақсадида маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш тартиби бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Ушбу қўлланма соҳага дахлдор давлат бошқаруви органлари ходимлари, тадбиркорлар, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчилари ҳамда бошқа манфаатдор томонлар учун мўлжалланган.

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг
“Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш
тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикасининг “Мувофиқликни
баҳолаш органларини аккредитация қилиш
тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикасининг “Техник
жиҳатдан тарт ибга солиш тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2025 йил 1 февралдаги “Маҳсулот ва
хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ
сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида”ги 57-сон қарори



УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

»»» **Ариза берувчи** - маҳсулот ёки хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштиришга талабгор бўлган жисмоний ва юридик шахс.

»»» **Ахборот тизими** - маҳсулот ва хизматларга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва электрон реестрни юритиш ахборот тизими.



маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш - ариза берувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият

»»» **Мувофиқлик сертификати** - ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматнинг «Ҳалол» талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

»»» **Сертификатлаштириш органи** - маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштиришга доир ишларни бажариш учун халқаро ташкилотлардан аккредитациядан ўтган орган;

»»» **«Ҳалол» талаблари** - Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти (SMIIC) томонидан қабул қилинган халқаро стандартлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар.

МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАРНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Сертификатлаш тартиби	
	ариза берувчи томонидан тасдиқланган ва ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари (технологик йўриқномалар, тўлдирувчи ҳужжатлар, рецептлар ва (ёки) маҳсулот таркиби ҳақида маълумот ҳамда бошқа ҳужжатлар нусхалари
	маҳсулотдан фойдаланиш (ишлатиш, қўллаш) тўғрисидаги ҳужжат (йўриқнома, қўлланма, регламент, тавсиялар) нусхаси
	маҳсулотларга қўшиладиган барча қўшимчалар ва ингредиентлар, шунингдек, ташқаридан олинаётган барча қўшимчаларнинг тавсифи ёки «Ҳалол» талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (сертификатлар)
	маҳсулотлар хавфсизлиги ва ҳалол талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи синов баённомалари
	ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг доимий мувофиқлигини назорат қилиш учун аккредитациядан утган синов лабораториясининг аккредитация гувоҳномаси ёки аккредитациядан ўтган синов лабораторияси билан тузилган шартнома
	ариза берувчида маҳсулотларни барқарор ишлаб чиқаришни таъминловчи жорий этилган менежмент тизимига (ISO 9001, ISO 22000) эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси

	ариза берувчида фаолият юритадиган ходимларнинг маҳсулотни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш бўйича билими ва кўникмалари тўғрисида маълумот нусхаси
	аввалги мувофиқлик сертификати тўғрисида маълумот (мавжуд бўлса)
	ариза берувчида кўрсатилаётган хизматларнинг доимий хавфсизлигини таъминловчи жорий этилган менежмент тизимига (ISO 9001, ISO 22000) эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси
	ариза берувчида фаолият юритадиган ходимларнинг хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш бўйича билими ва кўникмалари тўғрисида маълумот нусхаси
	ариза берувчининг фаолиятига оид жараёнлар ҳамда унга боғлиқ инсон ва техник ресурслар тавсифи
	«Ҳалол» талабларига мувофиқ кўрсатилаётган хизматларга таъсир этиши мумкин бўлган хавфларнинг тавсифи
	аввалги мувофиқлик сертификати тўғрисида маълумот (мавжуд бўлса)



Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

АРИЗА ВА ИЛОВАЛАР ТЎПЛАМИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ



Сертификатлаштириш органи ариза берувчи томонидан тақдим қилинган **ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар** тўпламини **3 иш куни** мобайнида кўриб чиқади.

»»» Сертификатлаштириш органи аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича **1 иш кунда** аризани қабул қилиш ёки уни рад этиш тўғрисида **қарор қабул қилади**, ариза берувчини қарор қабул қилинган куннинг ўзида бевосита ёки ахборот тизими орқали хабардор қилади.



Қуйидагилар аризани қабул қилишни **рад этиш** тўғрисидаги қарорни қабул қилишга асос ҳисобланади:

- ариза тегишли шаклга мувофиқ **расмийлаштирилмаганда;**
- ариза берувчи ҳужжатлар ва маълумотларни **тўлиқ тақдим этмаганда;**
- ариза ёки аризага илова қилинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг **сохталиги ёки нотўғрилиги** аниқланганда.

» Бу муҳим!

Ариза бўйича қарорни бошқа сабаблар ёки мақсадга кўра мувофиқ эмас деб қайтаришга **йўл қўйилмайди**.

Сертификатлаштириш органи аризани рад этиш тўғрисида қарор қабул қилганда ариза, **ариза берувчига қайтарилади**.

Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этгандан сўнг сертификатлаштириш учун **қайта ариза бериш ҳуқуқига эга**.

ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ

»»» Сертификатлаштириш органи ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларни ариза бўйича қарор қабул қилингандан сўнг **1 иш кунида** сертификатлаштириш учун ариза берувчи билан **шартнома тузади**.

Бунда ариза берувчи сертификатлаштириш органига шартномага асосан **ҳақ тўлайди**.

Ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўплами экспертизаси шартномага асосан тўлов амалга оширилгандан сўнг сертификатлаштириш органи томонидан **15 иш куни** мобайнида ўтказилади.

Бунда экспертиза натижаларидан қатъи назар, шартномага асосан **амалга оширилган тўлов ариза берувчига қайтарилмайди**.



Экспертиза якуни билан унинг натижалари бўйича ариза берувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар тўпламида камчиликлар аниқланган тақдирда, **1 иш куни** мобайнида сертификатлаштириш органи бу ҳақда ариза берувчини уларни бартараф этиш учун бевосита хабардор қилади.

✓ Экспертиза натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ариза берувчи томонидан бартараф этилмаган тақдирда, сертификатлаштириш органи сертификатлаштиришни тўхтатиб туради. Тузатиш чоралари **3 ойдан ортиқ** бўлмаган муддатда ариза берувчи томонидан амалга оширилиши керак.



✓ Белгиланган муддатларда аниқланган камчиликлар ариза берувчи томонидан бартараф этилганлиги ҳақида маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатлар сертификатлаштириш органига тақдим этилмаганда, сертификатлаштириш тугатилади. Ариза берувчи ҳужжатларни шакллантириб, **қайта ариза юбориши мумкин.**

✓ Экспертиза натижалари ижобий бўлганда ёки экспертизада аниқланган камчиликлар белгиланган муддатларда бартараф этилганлиги ҳақида маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатлар ариза берувчи томонидан сертификатлаштириш органига тақдим этилганда, маҳсулот ишлаб чиқариладиган ёки хизмат кўрсатиладиган объект жойлашган жойига чиққан ҳолда, маҳсулот ёки хизматларнинг «**Ҳалол**» талабларига мувофиқлиги баҳоланади.



✓ Бунда экспертиза натижаларининг якуни бўйича сертификатлаштириш органи **3 иш кунида** белгиланган тартибда **экспертиза хулосани** расмийлаштиради.

ЖОЙИГА ЧИҚҚАН ҲОЛДА МАҲСУЛОТ ЁКИ ХИЗМАТЛАРНИ БАҲОЛАШ

➡ Жойига чиққан ҳолда маҳсулот ёки хизматларнинг «Ҳалол» талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун тузилган шартнома бўйича ариза берувчи томонидан ҳақ тўлангандан сўнг сертификатлаштириш органи томонидан баҳолаш ишлари амалга оширилади.

Бунда баҳолаш натижаларидан қатъи назар шартномага асосан амалга оширилган **тўлов ариза берувчига қайтарилмайди.**

➡ **Баҳолаш ишлари** сертификатлаштириш органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) ишлаб чиққан ва тасдиқлаган баҳолаш дастурига мувофиқ ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш манзилида (жойида) амалга оширилади.

➡ Агар аризада келтирилган маҳсулот ёки хизмат тури бўйича ариза берувчининг **бир неча филиаллари** мавжуд бўлса, баҳолаш ишлари ариза берувчининг барча филиалларида амалга оширилади.

➡ Баҳолаш натижалари якуни билан 1 иш кунида ихтиёрий шаклда икки нусхада сертификатлаштириш органининг сифат бўйича қўлланма ҳужжатида белгиланган тартибда **ҳисобот тузилади**, унинг бир нусхаси ариза берувчига топширилади, иккинчи нусхаси сертификатлаштириш органига тақдим қилинади.

➡ Баҳолаш ҳисоботи сертификатлаштириш органи вакиллари ва ариза берувчи томонидан имзоланади, ариза берувчи баҳолаш натижаларидан норози бўлган тақдирда, **ўз фикрини ҳисоботда билдириши мумкин.**

➡ Баҳолаш ишлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги **норматив ҳужжатларда ва «Ҳалол» талабларида** белгиланган тартибда амалга оширилади.

➡ Баҳолаш давомида ариза берувчи томонидан ишлаб чиқарилаётган ёки қўлланилаётган маҳсулот таркибига шубҳа пайдо бўлганда, мазкур маҳсулотдан ариза берувчи иштирокида намуналар танлаб олинади ва **аккредитациядан ўтган синов лабораториясида** техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда ҳамда «Ҳалол» талабларида белгиланган талаблар бўйича синовлардан ўтказилади.

Ўтказилган синовларнинг натижалари тузиладиган ҳисоботда баён қилинади.

🚩 **Бу муҳим:**

Бунда ҳисобот баҳолаш ҳамда синов натижалари олинган кундан бошлаб 1 иш кун ичида тузилади ҳамда сертификатлаштириш органи вакиллари, ариза берувчи томонидан имзоланади.

МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ, БЕРИШНИ РАД ЭТИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

«Ҳалол» мувофиқлик сертификатини қўллаш ҳамда «Ҳалол» мувофиқлик белгисидан фойдаланиш тўғрисидаги келишувда қуйидагилар акс эттирилади:

Мурожаат қилиш усуллари

сертификатлаштириш органи ва мувофиқлик сертификати эгаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шу жумладан, томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

«Ҳалол» мувофиқлик сертификатидан ҳамда «Ҳалол» мувофиқлик белгисидан фойдаланиш талаблари ва шартлари;

✔ Мувофиқлик сертификати 3 йил муддатга расмийлаштирилади.

✔ Сертификатлаштириш органи **5 иш кунда** баҳолаш бўйича ҳисобот ва унга илова қилинган ҳужжатлар, экспертиза хулосаси, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар тўпламини шакллантиради ҳамда мувофиқлик сертификатини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сертификатлаштириш органи томонидан мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилинса, сертификатлаштириш органи ва ариза берувчи ўртасида мувофиқлик сертификатини қўллаш ҳамда «Ҳалол» мувофиқлик белгисидан фойдаланиш тўғрисида келишув тузилади ҳамда **3 иш** куни давомида мазкур Низомга 3-иловада келтирилган шаклдаги «Ҳалол» мувофиқлик сертификати расмийлаштирилиб, реестрда рўйхатдан ўтказилади ва ариза берувчига тақдим қилинади.

»»» Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишда хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида назорат синовида иштирок этишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда ёки назорат синовидан ўта олмаганда, **тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.**




Маҳсулот ёки хизматлар юзасидан истеъмолчилар томонидан асосланган ёзма шикоятлар сертификатлаштириш органига келиб тушганда, **мувофиқлик сертификати эгасининг фаолияти режадан ташқари даврий баҳоланади.**

ДАВРИЙ БАҲОЛАШ



Биринчи даврий баҳолаш ишлари мувофиқлик сертификати реестрда рўйхатга олинган санадан кейин **12 ойдан кечикмай** амалга оширилади.


Кейинги даврий баҳолаш ишлари эса ҳар йили сертификатлаштириш органи раҳбари томонидан тасдиқланган даврий баҳолаш режа-жадвалига мувофиқ даврий, бироқ аввалги даврий баҳолаш ўтказилган вақтдан бошлаб **12 ойдан кечикмай** амалга оширилади.



»»» Мувофиқлик сертификати эгасининг фаолияти мувофиқлик сертификати **реестрда рўйхатга олинган санадан кейин** 6 ойдан кечикмай режадан ташқари даврий баҳоланади.

»»» Кейинги режадан ташқари даврий баҳолаш ишлари ҳар йили режали ўтказилган даврий баҳолаш вақтидан бошлаб **6 ойдан кечикмай** амалга оширилади.

СЕРТИФИКАТНИ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТАСДИҚЛАШ, ТЎХТАТИБ ТУРИШ, ТУГАТИШ




«Халол» мувофиқлик сертификатининг амал қилишини **тасдиқлаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш сертификатлаштириш органи** қарори асосида амалга оширилади.

● Қуйидаги ҳолларда мувофиқлик сертификатининг амал қилиши **тўхтатиб турилади:**

- мувофиқлик сертификати эгасининг расмий мурожаатига асосан 30 кун муддатга;
 - даврий баҳолаш давомида аниқланган номувофиқликлар бартараф этилгунга қадар. Бунда номувофиқликларни бартараф этиш муддати 30 кундан ошмаслиги лозим;
 - маҳсулотни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўналиши сертификатлаштириш органини огоҳлантирмаган ҳолда ўзгарганда;
 - маҳсулотни ишлаб чиқариш технологияси, ускуналар ёки маҳсулотнинг таркибий қисми ҳисобланган маҳсулотларнинг таркиби ёки етказиб берувчи юридик шахс ўзгарганда;
 - кўрсатилаётган хизматлар учун маҳсулотларнинг таркиби ёки етказиб берувчи юридик шахс ўзгарганда;
-

Қуйидаги ҳолларда мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тугатилади:

- ➡ мувофиқлик сертификати эгасининг расмий мурожаатига асосан ёки ташкилот фаолияти тугатилганда;
- ➡ даврий баҳолаш давомида аниқланган номувофиқликлар тўқсон кун давомида бартараф этилмаганда;
- ➡ «Ҳалол» талаблари мувофиқлик сертификати эгаси томонидан қўпол равишда бузилганда;
- ➡ мувофиқлик сертификати сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги тасдиқланганда.



Сертификатлаштириш органи томонидан «Ҳалол» мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тасдиқлаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан мувофиқлик **сертификатининг амал қилиши тасдиқланади, тўхтатиб турилади ёки тугатилади.**

Бунда тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 иш кунидан кечиктирмасдан, мувофиқлик сертификати эгасига бевосита етказилади ҳамда **реестрдан чиқарилади.**

Мувофиқлик сертификатининг эгаси мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиб олган кундан бошлаб, мувофиқлик

сертификатини қўллаш ҳамда «Ҳалол» белгисидан **фойдаланишни тўхтатиши лозим.**

✓ Мувофиқлик сертификатининг эгаси мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тўхтатилган ёки тугатилган тақдирда, «Ҳалол» белгиси асосида сертификатлаштирилган маҳсулот ёки хизматлар мавжудлиги тўғрисидаги ҳар қандай эълонлар учун қонунчилик ҳужжатларида **белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.**

Маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш органларини ташкил этилади

Ислом мамлакатлари стандартлари ва метрология институти (SMIIC) томонидан қабул қилинган ва расмий халқаро миқёсда эътироф этилган стандартларга устуворлик ҳуқуқини бериш.



МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН АСОС БЎЛГАН ХУЖЖАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА САҚЛАШ

● Сертификатлаштириш органи расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати ҳақидаги маълумотларни реестрга киритгандан сўнг сертификатлаштириш органи ва мувофиқлик сертификатининг эгаси маҳсулот ёки хизматнинг «Ҳалол» талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳужжатлар тўпламини шакллантиради.

Мувофиқлик сертификати ва уни расмийлаштириш учун асос бўлган ҳужжатлар тўплamlари мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тугаган кундан бошлаб камида **3 йил давомида** сертификатлаштириш органида сақланади.

Мувофиқлик сертификати ҳужжатлар тўплamlари **суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда назорат органларига** уларнинг қонунчиликка мувофиқ талабига биноан тақдим этилади.



Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Дин ишлари бўйича қўмитанинг маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштириш соҳасини тартибда солади

АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ



Сертификатлаштириш органи расмийлаштирилган, тасдиқланган, амал қилиши тўхтатилган ва тугатилган сертификатларни, сертификат бериш рад этилган ҳолатлар ҳисобини юритади ҳамда улар тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда **Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига** тақдим этади.

Агентлик қуйидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтида жойлаштиради:

- ✓ «Ҳалол» мувофиқлик сертификати берилган маҳсулотлар ва хизматлар реестри;
- ✓ амал қилиши тўхтатилган ва тугатилган «Ҳалол» мувофиқлик сертификатлари.



Сертификатлаштириш органи берилган ва бекор қилинган, амал қилиши тўхтатиб турилган, тугатилган мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик сертификатларини беришни рад этиш ҳолатлари **ҳисобини юритади.**



Сертификатлаштириш органи ўз фаолияти давомида олинган ҳужжатлар ва маълумотларни ёки ариза берувчи тўғрисида олинган маълумотларнинг **сир сақланишини таъминлаши керак.**

АПЕЛЛЯЦИЯЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Ариза берувчи ёки мувофиқлик сертификатининг эгаси ариза натижалари бўйича сертификатлаштириш органининг унга нисбатан салбий қарори чиқарилганда, қарор қабул қилинган санадан бошлаб **30 календарь кун** мобайнида **Агентликка** ёзма шаклда даъво аризасини киритиш ҳуқуқига эга.

»»» *Сертификатлаштириш органининг қарори қабул қилинган санадан бошлаб 30 календарь кундан ортиқ муддатда киритилган даъво аризаси кўриб чиқилмайди.*

● Апелляция комиссияси ҳар бир даъво аризасини кўриб чиқиш учун заруратга кўра шакллантирилади.

● Апелляция комиссияси таркиби **Агентлик раҳбари буйруғи** билан тасдиқланади.

● Апелляция комиссияси таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш муддатлари даъво аризаси олинган кундан бошлаб **10 иш** кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

● Апелляция комиссияси, даъво аризасини киритувчининг аризаси бўйича ҳужжатлар экспертизасида, баҳолашда бўлмаган Агентликнинг камида **5 вакилидан** иборат таркибда шакллантирилади.

! Агентлик даъво аризасини киритган ариза берувчини ва баҳоловчи мутахассисларни даъво аризаси кўриб чиқиладиган сана ҳақида хабардор қилади.

! Даъво аризасини киритган ариза берувчи ва баҳоловчи мутахассислар даъво аризасини кўриб чиқишда иштирок этишлари мумкин.

Кўриб чиқилган апелляция натижалари бўйича апелляция комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- сертификатлаштириш органи қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш

- даъво аризасини қаноатлантириш

Апелляция комиссияси киритилган даъво аризасини кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисида ариза берувчига ёзма равишда маълум қилади.



Даъво аризасини кўриб чиқиш муддати у берилган санадан бошлаб **30 календарь кундан** ошмаслиги керак.

Сертификатлаштириш органининг ўз қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва даъво аризасини қаноатлантиришни **рад этиш тўғрисидаги қарори**, агар:

- даъво аризаси талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;
- даъво аризасида келтирилган сабаблар тасдиқланмаса қабул қилинади.



Даъво аризасини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинса, сертификатлаштириш органи томонидан мувофиқлик сертификатини бериш ёки амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинади.



Сертификатлаштириш органи икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарномани даъво аризаси киритган ариза берувчига ёзма шаклда юборади.

Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди.



Ариза берувчи Апелляция комиссияси қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

ИЛОВАЛАР

1-илова

**Маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига
мувофиқ сертификатлаштириш**

СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1- босқич	Ариза берувчи	Ҳужжатлар тўпламини шакллантиради. Ариза беради.	Ариза берувчи нинг хоҳишига кўра
2- босқич	Сертификат лаштириш органи	Ариза ва илова қилинган ҳужжатлар тўпламини кўриб чиқади. Қабул қилиш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	3 иш кунида 1 иш кунида
3- босқич	Сертификат лаштириш органи	Ариза берувчи билан шартнома тузади. Ҳужжатлар тўпламини экспертизадан ўтказди. Камчиликлар аниқланганда, бартараф этиш учун хабардор қилади Экспертиза хулосасини расмийлаштиради	1 иш кунида 15 иш кунида 1 иш кунида 1 иш кунида

4- босқич	Сертификатлаштириш органи	Баҳолаш ишларини раҳбари (раҳбар ўринбосари) ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш манзилида (жойида) амалга оширади. Ҳисобот тузади ва расмийлаштиради	Баҳолаш дастурига мувофиқ 1 иш кунида
5- босқич	Сертификатлаштириш органи	Баҳолаш бўйича ҳисобот ва иловалар, экспертиза хулосаси, ариза ва иловалар тўпламини шакллантиради. Сертификатини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	5 иш кунида
6- босқич	Сертификатлаштириш органи	Ижобий қарор қабул қилинганда, мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради. Реестрда рўйхатдан ўтказиб, ариза берувчига тақдим қилади.	3 иш кунида

Сертификатлаштириш органи раҳбарига

**Маҳсулот ва хизматларни «Ҳалол» талабларига мувофиқ
сертификатлаштириш учун
АРИЗА**

да

(«Ҳалол» сертификатлаштиришни ўтказиш учун асос бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар)

белгиланган талабларга мувофиқликка

ни

(ташкилий тузилма жойлашган жойи кўрсатилган ҳолда сўралган соҳанинг номи)

«Ҳалол» талаблари бўйича маҳсулотларни (хизматлар)
сертификатлаштиришни сўрайман.

Сертификатлаштириш учун ариза берувчи тўғрисида маълумотлар

Ариза берувчи ташкилотнинг тўлиқ номи (жисмоний шахс учун тўлиқ Ф.И.О.):	
Қисқартирилган номи:	
Юқори турувчи, жумладан, таркибига юридик шахс кирадиган ташкилотнинг номи:	
Почта манзили:	
Телефон:	
Электрон почта манзили:	

СТИР (жисмоний шахс учун шахсий идентификация рақами):		
ИФУТ:		
Банк реквизитлари:		
Штат бирликларининг умумий сони:		
Шу жумладан		
Сертификатлаштириш учун масъул шахснинг Ф.И.О. лавозими, боғланиш учун маълумотлари:		

«Ҳалол» талаблари бўйича маҳсулотлар (хизматлар) тўғрисида умумий маълумотлар

«Ҳалол» талабларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш санаси:	
Сертификатлаштириш татбиқ этиладиган маҳсулотлар (хизматлар):	
Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёки кўрсатиладиган хизматларга тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларнинг номи:	

Аввал ўтказилган «Ҳалол» сертификатлаштириш тўғрисида маълумотлар	«Ҳалол»сертификатлаштириш бўйича орган номи:	
	«Ҳалол» сертификатлаштиришни ўтказиш учун асос бўладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар:	
	Мувофиқлик сертификатининг бланк рақами ва рўйхатга олиш рақами:	
	Мувофиқлик сертификатини бериш санаси:	
	Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш санаси:	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

(сертификатлаштириш органининг номи ва манзили, давлат
реестридаги рақами)

«ҲАЛОЛ» МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ

Сертификатлаштириш тизими реестрида қуйидаги
рақам билан рўйхатдан ўтказилди

(мувофиқлик
белгиси)

берилган сана:

амал қилиш муддати:

«Ҳалол» мувофиқлик сертификати

(мувофиқлик сертификати эгаси)

манзили:

қўшимча маълумот:

(норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш
соҳасидаги норматив ҳужжатлар) **белгиланган талабларга
мувофиқлигини тасдиқлайди**

ва қуйидаги соҳаларда татбиқ этилади:

Сертификатлаштириш
органи
раҳбари

QR-код

(Ф.И.О.)

**Ҳалол» талабларига мувофиқ сертификатлаштирилган
маҳсулот ва хизматларни даврий баҳолаш**

СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Сертификатлаштириш органи	Даврий баҳолаш режасини тасдиқлайди.	Режа-жадвалга мувофиқ
2-босқич	Сертификатлаштириш органи	Сертификати эгасининг фаолиятини 1-даврий баҳолайди. Режадан ташқари даврий баҳолайди. Сифат бўйича қўлланма ҳужжатида белгиланган тартибда ҳисобот тузади. Ҳисобот ва иловаларни тақдим қилади.	Реестрда рўйхатга олинган санадан кейин 12 ойдан кечикмай 3 иш кунида 1 иш кунида
3-босқич	Сертификатлаштириш органи	Ҳужжатлар тўпламини шакллантиради ва кенгашга тақдим қилади.	5 иш кунида